МУСОБАҚАНИНГ ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИНИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 11 (16.701). | 14 январь 1977 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланган Тошлоқ районидаги «Оқолтин» колхози бўрдоқибоқарлари зафар қучдилар. Улар тайёрлов пунктларига пландаги 97 тонна ўрнига 110 тонна бўрдоқи гўшти топшириб, йиллик маррани эгаллашди.

М. ЗИЕДОВ.

* * *

Ғаллаорол район совхозлараро бўрдоқичилик базаси коллективи ҳам давлатга 2870 тонна семиз гўшт етказиб бериб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган планни ошириб бажарди. Бўрдоқибоқарлар 45 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлдилар.

Т. БЕКНАЗАРОВ, Х. ХУДОЙҚУЛОВ.

Ю К С А К МАЖБУРИЯТЛАР

В. И. Ленин номли Тошкент электротехника заводининг коммунист Жаббор Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригадаси ишчилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига қадар беш йиллликнинг дастлабки икки йили топшириғини бажарамиз ҳамда асосан меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажмини 29 процент кўпайтирамиз деб ошириган мажбуриятлар олдилар.

Ж. Йўлдошев КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига бағишланган митингда шу ҳақда гапирди.

— Астойдил ишонтириб айтамизки, ўнинчи беш йиллик да ишимизнинг барча кўрсаткичларини яхшилаймиз, — деди бригада бошлиғи. Митинг қатнашчилари унинг бу сўзларини қарсаклар билан олкишладилар.

Ў меҳнат қилаётган цех ишчилари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлигини айтди. Йигувчи, комсомол аъзоси Дилором Мамажонова яхши ибрат кўрсатди. У ўзининг беш йиллик топшириғини ВЛКСМ 60 йиллиги кунига қадар — икки йилу тўққиз ой ичида бажаришга ваъда қилди.

Завод коллективи митингда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг. қарорига жавобан ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Бу мажбуриятда беш йиллик ичида ишлаб чиқариш ҳажмини 2,4 баравар ошириш кўзда тутилган. Ана шундан 88 процент ўсишга меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Беш йил мобайнида махсулот таннархини 25 процент камайтиришга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

АҲОЛИ УЧУН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «1977 йилда ва ўнинчи беш йилликда енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш ҳамда ўзлаштиришни тезлатиш учун республикадаги қурилиш, монтаж қилиш, лойиҳалаш ташкилотлари ва саноат корхоналарининг социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги масалани қараб чиқди.

Қурилиш, монтаж қилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт ва сут, маҳаллий саноат корхоналари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети ва «Узплодоовощчвинпром» бирлашмасининг коллективлари 1976 йилда янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштиришни жадаллаштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Улар Шаҳрисабз шаҳрида пиллакашлик фабрикасини, Бухоро шаҳрида пойафзал фабрикасини, Олмалиқ шаҳрида тафтинг гилам фабрикасини, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Хоразм ва Сирдарё областларида пахта тозалаш заводларини, Бухоро ип газлама комбинатида калава бўяш корпусини, Фарғона шаҳрида сут заводини, Нукус шаҳрида нон заводини, Когон шаҳрида ёғ-экстракция заводининг тайёрлаш цехини ва шу сингари бошқа корхоналарни ишга туширдилар. Саноатнинг шу тармоқларидаги корхоналарнинг коллективлари янги қувватларни ўзлаштириш соҳасида қунт билан иш олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети айрим қурилиш ва монтаж қилиш ташкилотларининг, корхоналар ва буюртма берувчи ташкилотларнинг коллективлари ана шу тармоқлардаги баъзи объектларда қизғин иш олиб боришни таъминламаганлигини ўз ишларида келишиб олинган графиклардан орқада қолганлигини қайд қилиб ўтди. Ишга туширилaдиган айрим объектларга зарур машина-ускуналар, махсус материаллар ва кабель маҳсулотлари ҳамиша ҳам ўз вақтида етказиб берилди, деб бўлмайди.

Қурувчилар, монтажчилар ва ишга туширувчиларнинг бир қанча коллективлари партиянинг кўп талаб қилинадиган товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг сифатини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар 1977 йилда ва умуман ўнинчи беш йилликда қурилиш муддатларини қисқартириш, республиканинг енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида янги қувватларни тезроқ ишга тушириш ва мавжуд қувватларни ўзлаштириш учун, ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигининг ана шу тармоқларини ривожлантиришга ажратиб бериладиган маблағларни тўла ўзлаштириш учун социалистик мусобақани давом эттиришга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг Фарғонадаги 14-трести, Тошкентдаги 6-трести, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг Самарқанддаги 15-трести. Ўзбекистон ССР Монтаж қилиш ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ёрдамчи пудратчи ташкилотлари ва мазкур тармоқлар корхоналарининг коллективлари Қувасой шаҳридаги чинни заводини, янги Тошкент консерва заводини ва Ургутда тамаки-ферментация заводини белгиланган муддатдан икки ой илгари — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига қадар ишга туширишни мажбуриятини олдилар. Урганчдаги 167-трест, Ўзбекистон ССР Монтаж қилиш ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари ва буюртма берувчи корхоналарнинг коллективлари Хива гилам комбинатини белгиланган муддатдан бир ой олдин ишга тушириш мажбуриятини олдилар.

Республикадаги бошқа кўпгина коллективлар енгил, пахта тозалаш, маҳаллий, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноатида, балиқ хўжалигида ва «Узплодоовощчвинпром» бирлашмаси системасида ишга туширилиши мўлжалланган объектларни, ҳунар-техника таълими билим юртларини, уй-жой биноларини, болалар боғчаларини, маданий ва маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларни муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятларни ўз зиммаларига олишди.

ГПИ-4, «Средазнипкипишчепром» «Узгипроплодоовощчвинпром», «Узнииградостроительства» лойиҳалаш институтларининг коллективлари шу соҳалардаги қурилишларга сифатли лойиҳаларни ўз вақтида ва муддатидан илгари етказиб бериш, бу лойиҳаларда замонавий техникавий ечимларни, самарали материалларни, конструкцияларни қўллашни кўзда тутиш, улар устидан лойиҳа авторларининг мунтазам назорат қилиб туришини таъминлашга қарор бердилар.

Чирчиқ трансформатор заводи, «Ташкенткабель» заводи, «Узбектекстильмаш», «Союзхлопкомаш», «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари технологик ва электротехника машина-ускуналарини, электрокабель ва симларни Ўзбекистон саноатининг юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқлари ва мамлакатдаги қардош иттифоқдош республикалардаги қурилишларга муддатидан илгари жўнатиш мажбуриятини олдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқлар корхоналарининг коллективлари қувватларни муддатидан илгари ишга тушириш, янги қувватларни ўзлаштириш ва мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан 1977 йилда пландан ташқари 310 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети юқорида айтиб ўтилган қурилиш, монтаж қилиш, лойиҳалаш ташкилотларининг, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт ва сут, маҳаллий саноат корхоналари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети ва «Узплодоовощчвинпром» бирлашмаси. Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлиги корхоналарининг саноатдаги ана шу тармоқларда 1977 йил планида кўзда тутилган янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштиришни тезлатиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини, шунингдек республикадаги бир қанча машинасозлик корхоналарининг уларга керакли машина-ускуналарни муддатидан илгари жўнатиш юзасидан олган мажбуриятларини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Монтаж қилиш ва махсус қурилиш ишлари министрликларига, «Главташкентстрой»га ва «Главсредазирсовхозстрой»га:

талаб этилган моддий-техника ресурслари ва одам қучи ресурсларини саноатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқларидаги қурилишларга тўплаш;

қурилиш ва монтаж қилиш ташкилотларининг тармоқ ва қўшма графиклар бўйича бир меъёрда пухта ишлашини таъминлаш;

Н. Злобин методи бўйича бригада хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш, социалистик мажбуриятларни бажариш учун ва 1977 йилда ҳамда умуман ўнинчи беш йилликда саноатнинг шу тармоқларини ривожлантиришга ажратиб берилган маблағларни тўла ўзлаштириш учун мусобақадош коллективларга зарур шарт-шароитларнинг ҳаммасини яратиб бериш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Енгил, Пахта тозалаш, Озиқ-овқат, Гўшт ва сут, Маҳаллий саноат министрликларига, «Узплодоовощчвинпром» бирлашмасига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитетига, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлиги корхоналарига:

— 1977 йилда ишга туширилaдиган комплекслар ва барча объектлар бўйича ички қурилиш титуль рўйхатларини ўн кун ичида аниқлаб чиқиб, пудратчи қурилиш ташкилотлари билан келишиб олиш ва уларни белгиланган тартибда пул билан таъминлашни расмийлаштириш;

— ишга туширилaдиган барча объектлар учун ишга туширилувчи кадрларни ўз вақтида тайёрлаб, машина-ускуналарни монтаж қилиш ва созлашда уларнинг иштирок қилишини таъминлаш;

— социал-иқтисодий тараққиёт планларини амалга ошириш асосида бир жойда муқим ишловчи меҳнат коллективларини вужудга келтириш, янги қувватларни ва мавжуд қувватларни нормативда белгиланган муддатларда ва муддатидан илгари ўзлаштиришга эришиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Главснабига, Енгил, Пахта тозалаш, Озиқ-овқат, Гўшт ва сут, Маҳаллий саноат министрликларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитетига, «Узплодоовощчвинпром» бирлашмасига ҳамда Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлиги корхоналарига пудратчи ташкилотлар билан келишиб олинган графикларга мувофиқ машина-ускуна, махсус материаллар ва кабель маҳсулотини етказиб беришни таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар, район комитетларига ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига коллективларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган саноат тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштиришни жадаллаштириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдиришда бошланғич партия ва касаба союз ташкилотларига ёрдам бериш, моддий-техника ресурслари ва одам қучи ресурсларини ана шу тармоқларга тўплаш устидан, зарур машина-ускуна ҳамда махсус материаллар етказиб берилиши устидан мунтазам контрол ўрнатиш, бу қурилишларда шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари бошчилигида доимий ишловчи штабларни тузиш топширилди.

Газеталарнинг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида ишга туширилaдиган объектларни қураётган илғор коллективларинг тажрибаси ҳақидаги, социалистик мусобақанинг бориши ва олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги материалларни мунтазам эшиттириб туриш ва босиб чиқариш топширилди.

Кончилар аҳди

«Яхшироқ ишлайлик, самарадорлик ва сифатни оширайлик!» — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорида айтилган бу меҳнат шиори Фарғона нефть ва газ бошқармаси коллективини юксак марралар сари руҳлантириб юборди. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган биринчи йилини муваффақиятли якунлаган бошқарма кончилари 1977 йилда ҳам резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, пландан ташқари 1,5 минг тонна нефть, 2 миллион куб метр табиий газ чиқариш, 67 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини 0,5 процент оширишга аҳд қилганлар.

Қарордан руҳланган бошқармамиз ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йилликнинг ҳар бир йили топшириқларини ошириб бажариш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига олтмиш зарбдор ҳафталик»да актив қатнашиш учун сўз бердилар. Бу билан биз мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳ. ОЛИМОВ,
Фарғона нефть ва газ бошқармаси ходими.

ТЕХНИКА ТАХТ

Пастдарғом районидаги «Узбекистон» колхози пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтириш учун янги ғайрат билан ишга киришдилар. 1460 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бу йил камида 35 центнердан ошириб пахта хирмони кўтариш уларнинг эзгу ниятдаир.

Хўжалик механизаторлари мавжуд қишлоқ хўжалик техникасини кўлам эниш мавсумига пухта тахт қилиб қўйишди. 16 та ҳайдов трактори, 25 та чигит эниш агрегати, 30 та тележка, 150 та борона ва бошқа агрегатлар муддатидан илгари жорий ремонтдан чиқарилди.

Шу кунларда колхоз далаларида иш қизғин. Арик-ариқларни тозалаш, ерларга яхоб бериш ишлари янада қизитиб юборилди.

Т. ШОМУРОДОВ.



Самарқанд суперфосфат заводи ишчиларидан 18 киши ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини ортиғи билан адо этди. Фидоил Губайдуллин бошчилик қилаётган слесарлар бригадаси ҳам ана шундай маррага етди. Бу пешқадам бригада коллективи КПСС Марказий Комитетининг Мактуби ҳамда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарордан руҳланиб, беш йиллик топшириғини икки ярим йилда адо этишга сўз берди. Суратда: ана шу бригада аъзолари Ю. Бағаев, В. Зелев, А. Крикунов, К. Алиев ҳамда Ф. Губайдуллин.

Р. Ғафуров фотоси, (ЎзТАГ).

АГИТАТОР МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИГА ЧОРЛАЙДИ

Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда Ленин ордени кавалери Анатолий Ким бошлиқ бригада ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни илгари мажбуриятда мўлжалланганига нисбатан тўрт центнер кўпайтириш, пахта ҳосилдорлигини 55 центнергача етказишга қарор берди. КПСС Марказий Комитетининг Мактуби ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йилликда қишлоқ мехнаткашларини олдига қўйилган вазифаларни чуқур билиб олишларига ёрдам бердилар. Колхозда «Сенинг беш йилликкА қўшган ҳиссанг» деган мавзуда ўтказилган учрашув ғоят мароқли ва сермазмун бўлди. Пахтакорлар, жўхорикорлар, чорвадорлар учрашув вақтида ўз ишлари ва режалари тўғрисида сўзлаб беришди, тажрибаларни ўртоқлашишди. Бу тадбир яхши натижа берди: Анатолий Ким ва унинг ўртоқлари билан биргаликда яна саккизта пахтачилик ва чорвачилик бригадаси ўз мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқишди. Сут соғувчи Мария Умрихина эса ҳар бир сигирдан 3400 литр сут соғиб олишдан иборат муқобил планни илгари сурди.

Исомиддин Нуриев Қуйи Чирчиқ районидаги агитаторларнинг слётида Энгельс номли колхоз партия ва комсомол ташкилотлари активларининг қимматли ташаббуслари тўғрисида гапирди. Слёт қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қаорида келиб чиқадиган вазифаларни қизғин муҳокама қилдилар.

Исомиддин Нуриев икки йилдан буён агитатор бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳамиша мусобақани бошлаб бериш, янгилик учун кураш — унга хос хусусиятдир. Колхоз партия ташкилоти тайинлаган 24 агитатор ҳам унинг изидан бормоқда. Уларнинг ҳаммаси шу қунларда партиянинг энг муҳим ҳужжатлари тўғрисида деҳқонлар билан суҳбат ўтказдилар. уларнинг беш йилликкнинг иккинчи йилида қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларни чуқур билиб олишларига ёрдам бердилар. Колхозда «Сенинг беш йилликкА қўшган ҳиссанг» деган мавзуда ўтказилган учрашув ғоят мароқли ва сермазмун бўлди. Пахтакорлар, жўхорикорлар, чорвадорлар учрашув вақтида ўз ишлари ва режалари тўғрисида сўзлаб беришди, тажрибаларни ўртоқлашишди. Бу тадбир яхши натижа берди: Анатолий Ким ва унинг ўртоқлари билан биргаликда яна саккизта пахтачилик ва чорвачилик бригадаси ўз мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқишди. Сут соғувчи Мария Умрихина эса ҳар бир сигирдан 3400 литр сут соғиб олишдан иборат муқобил планни илгари сурди.

Исомиддин Нуриев Қуйи Чирчиқ районидаги агитаторларнинг слётида Энгельс номли колхоз партия ва комсомол ташкилотлари активларининг қимматли ташаббуслари тўғрисида гапирди. Слёт қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қаорида келиб чиқадиган вазифаларни қизғин муҳокама қилдилар.

Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари А. Б. Саидҳўжаев ўз нутқида қизиқарли бир рақамни келтирди. Ҳозирги вақтда бу районда 465 агитатор, 230 сиёсий ахборотчи, олти юзга яқин сиёсий ташкилотчи, 470 сиёсий докладчи ва лектор меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари бу ишларнинг муайян бир мақсадни кўзлаб, ҳар бир меҳнат коллективининг конкрет амалий вазифалари билан боғлаб олиб борилиши. КПСС XXV съездининг қарорларига жавоб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Слётда таъкидлаб ўтилганидек, агитаторнинг ҳар бир сўзи қишлоқ меҳнаткашларини янги зафарларга, беш йилликнинг иккинчи йилида пахта, дон ва барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга, чорва қишловини намунали ўтказишга отлантириш керак. Илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини моҳирлик билан пропаганда қилиш, барча резервларни ишга солиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, ҳамма ишимизнинг юксак сифатли бўлиши учун курашга ёрдам бериш — асосий вазифадир. Партиянинг ҳар бир сўзини меҳнаткашлар онгига етказиш, ҳар бир деҳқон ва чорвадорнинг умумий ишда ўз ўрнини белгилаб олишига ёрдам бериш — агитаторларнинг, идеология фронтидаги барча жангчиларнинг шарафли бурчидир.

Слётда район партия комитети энг яхши агитколлективни мукофотлаш учун кўчма вимпел таъсис этганлиги ва бундай коллективга пул мукофоти берилажаги ўқтириб ўтилди. (ЎзТАГ).

ХАЛҚЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ ИРОДАСИ

Шу кунларда жаҳон жамоатчилиги кенг табақаларининг вакиллари Ватанимизнинг пойтахтига келмоқдалар. Улар тинчликсевар кучларнинг бу ерда очиладиган жаҳон анжуманида иштирок этишмоқда. Бу анжуманда кўпдан-кўп халқаро ва миллий ташкилотлар, шу жумладан турли сиёсий партиялар, касаба союзлари, диний ва илмий, маданий ташкилотлар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари иштирок қилади. Халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш жараёнини қучайтириш учун курашни янада кенгайтиришга, замонамизнинг асосий сиёсий проблемаларини ҳал этишда жаҳон жамоатчилиги фикрининг ролини оширишга ёрдам бериш — планетадаги тинчликсевар кучлар анжуманининг асосий мақсадидир.

13 январда Москвада матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясида тинчликсевар кучлар жаҳон конгресси қарорлари ва алоқаларини давом эттирувчи халқаро кенгаш раҳбарлик комитетининг президенти, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Бош секретари Ромеш Чандра ва бошқалар сўзга чиқишиб, жуда кўп вакилларнинг иштирок қилиши бу анжуманга хос хусусият эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Анжуман қатнашчилари кескинликни юмшатиш концепцияси ва тинчлик стратегияси, ҳарбий конфронтацияни бартараф қилиш ва қуролсизланишга ўтиш йўллари, кескинликни юмшатиш ва фан-техника революцияси каби бир қанча энг муҳим масалаларни муҳокама қиладилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ А. ФОРЛАНИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Италия ташқи ишлар министри А. Форланини 12 январь куни Кремлда қабул қилди.

Л. И. Брежнев билан А. Форлани ўртасида бўлган суҳбат амалий, дўстона руҳда ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг тинчликсеварлигини, СССРнинг ядро урушига йўл қўймасликка қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланиш соҳасида конкрет тадбирларни амалга оширишга, халқаро кескинликни юмшатишни олга силжитишга қаратилган ва яқинда эълон қилинган ташаббуслари конструктив аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Л. И. Брежнев КПСС билан Совет давлати экономикани янада юксалтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш мақсадида олиб бораётган катта, бунёдкорлик ишини гапириб берди.

СССР билан Италия ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва истиқболлари тўғрисидаги фикрлашув давомида иккала мамлакатнинг турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, совет халқи билан италян халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ниятида эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи катта халқаро масалалар муҳокама этилди.

А. Форлани Италия президенти Ж. Леоне ва Министрлар Кенгашининг Раиси Ж. Андреотти номидан расмий визит билан Италияга бориш тўғрисида илгари Л. И. Брежневга қилинган таклифни такрорлади. Шу визитнинг иккала томон учун қулай бўлган муддатларини келишиб олиш мақсадида алоқаларни давом эттириш тўғрисида шартлашилди.

Суҳбатда СССРнинг Италиядаги элчиси Н. С. Ржов, Италиянинг СССРдаги элчиси Э. Аилдауд ва Италия Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. Манцини ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИГА ЗАРБДОР СУРЪАТ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ, ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЕНГИЛ, ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ, ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ, МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, «ЎЗПЛОДООВОЩЧВИНПРОМ» БИРЛАШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ, ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИ ҲАМДА МАШИНА-УСКУНАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КОРХОНАЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛДА ВА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ҚУРИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШ, ЎЗЛАШТИРИШ ВА МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ЯХШИРОҚ ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон қурилиш, монтаж, ва лойиҳалаш ташкилотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг аҳоли учун моллар ишлаб чиқараётган тармоқларини ривожлантиришнинг юксак суръатларини таъминладилар. 1976 йилда ана шу тармоқларда 226 миллион сўм миқдоридаги асосий фондлар ишга туширилди, Бухоро ип газлама комбинатида ва Наманган шойи газламалар комбинатида, «Учқун» фирмасида, Бухоро пойафзал фабрикасида, Наманган тикувчилик бирлашмасида, Марғилон «Атлас» фирмасида, Навоий ва Жарқўрғон пахта заводларида, Фарғона сут заводида, Денов ва Когон ёғ экстракция заводларида, Нукус нон заводида, Қибрай пивоспиртсиз ичимликлар комбинатида, Олмалиқ тафтингилам фабрикасида, Хива, Жиззах ва Оққўрғон балиқчилик хўжаликларида, сабзавот-мева ва узумни қайта ишлайдиган кўпгина заводларда қувватлар ишга туширилди.

Ўзбекистон ССР Енгил, Пахта тозалаш, Озиқ-овқат, Маҳаллий саноат министрликлари, «Узплодоовощчвинпром» бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети бўйича капитал маблағларни сарфлаш йиллик планлари бажарилди.

Ана шу саноат тармоқларидаги корхоналарнинг коллективлари қувватларни ишга туширишни ўзлаштириш соҳасида астойдил иш олиб бормоқдалар.

Партиянинг халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг сифатини ошириш, аҳолининг ана шу молларга бўлган талабини яхшироқ қондириш тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан, қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотларининг, енгил саноат, пахта тозалаш саноати, Маҳаллий саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати корхоналарининг бир қанча коллективлари, «Узплодоовощчвинпром», «Ўзбектекстильмаш» ва «Союзхлопкомаш» бирлашмалари ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети бир қанча коллективлари 1977 йилда ва ўнинчи беш йилликда қурилиш муддатларини қисқартириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни, ўзлаштириш ва республика саноати ана шу тармоқларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш учун ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида социалистик мусобақани давом эттиришдек қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар. Бу коллективлар:

— ана шу тармоқларнинг қурилишларида зарур меҳнат ва моддий-техника ресурсларини тўплаш йўли билан, резервлардан яхшироқ фойдаланиш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш илғор методларини, янги прогрессив бинокорлик материаллари ва конструкцияларини жорий этиш йўли билан ана шу тармоқлардаги қурилишлардан ҳар бири бўйича, капитал маблағларни сарфлаш йиллик планининг бажарилишини 28 декабргача таъминлаш;

— барча ишлаб чиқариш қувватларини, ҳунар-техника таълими билим юртларини, уй-жойлар, болалар муассасалари ва бошқа маданий ҳамда маиший аҳамиятга эга бўлган муассасаларни 1977 йил ва ўнинчи беш йиллик планига мувофиқ қурилиш ва монтаж ишларининг юксак сифати билан муддатидан илгари ишга тушириш;

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан Қувасой чинни фабрикасини, Ургут тамаки-ферментация заводини, Ангрен сут заводини, янги Тошкент консерва заводини, 6-совхоздаги ва Бешкент поселкасидаги пахта заводларини, Наманган шойи газламалар комбинатидаги қувватларни, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети 450 гектар майдонда балиқ кўпайтириладиган ва боқиладиган кўлларни, 1680 ўринли болалар ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини, 1176 ўринли мактабни, 46,8 минг квадрат метр уй-жойни, Қўқонда ва Самарқандда жами 984 ўринли ҳунар-техника билим юртларини, 1015 ўринли касалхонани ва 300 киши қатнаб даволанадиган поликлиникани муддатидан илгари, 1977 йил 7 ноябргача ишга тушириш;

— Хива шаҳридаги гилам комбинатининг дастлабки қувватларини ҳамда Бухородаги ип газлама комбинатининг янги қувватларини, Учтепа посёлкасидаги ва Ўрганч шаҳридаги пахта тозалаш заводларини, Тошкент шаҳридаги ошхона мебели заводини 1977 йил 30 ноябргача, планда белгиланган муддатдан бир ой илгари фойдаланишга топшириш;

— Андижон, Бухоро ип газлама комбинатларининг, Тошкент тўқимачилик комбинати, Қўқон пайпоқ-йигириш комбинатининг ишлаб чиқариш қувватларини, Самарқанд ва Андижон пойафзал фабрикаларини, пахта тозалаш заводларини, Гулистон ва Косон ёғ-экстракция заводларини, Қарши, Жиззах ва Бухоро нон заводларини, Гулистон ва Жиззахдаги сут заводларини ҳамда бошқа корхоналарни ўнинчи беш йилликда муддатида ва муддатидан илгари фойдаланишга топшириш, саноатнинг ана шу тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган маблағларни тўла ўзлаштириш мажбуриятини олдилар.

Ишга туширувчиларнинг коллективлари ишлаб чиқариш қувватларини норматив муддатларидан 1—3 ой барвақт ўзлаштиришдан иборат қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар.

Енгил, Пахта тозалаш, Маҳаллий, Озиқ-овқат, Гўшт ва сут саноати министрликларига қарашли корхоналарнинг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети ва «Узплодоовощчвинпром» бирлашмаси корхоналарининг коллективлари янги қувватларни муддатидан илгари ва ўз вақтида ўзлаштириш ҳамда мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан юбилей йилида белгиланган планга қўшимча равишда 264 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 140 тонна ип калаваси, 500 минг метр тайёр ип газлама ва шойи газлама, 160 минг метр нотўқима материал, 308 минг сўмлик чинни идиш, 1 миллион 500 минг жуфт пайпоқ, 292 минг жуфт чарм пойафзал, 135 минг дона трикотаж буюмлар, 4,2 миллион сўмлик тикилган буюмлар, 1250 минг квадрат дециметр хром-чарм моллар, 29,4 минг тонна пахта толаси, 346 минг квадрат метр ўраш материаллари, 13,8 минг тонна ўсимлик мойи, 1,73 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 3 минг тонна макарон, 1 минг тонна маргарин, 7 минг тонна гўшт, 20 минг тонна қаймоги олинмаган сут маҳсулоти ва 15,2 минг центнер балиқ ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Республика саноати ана шу тармоқларининг коллективлари янги қувватларни белгиланган муддатда ва муддатидан илгари ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида 1977 йилда 22 минг малакали ишчи тайёрлашга қарор қилдилар. Фан, техника эришган ютуқларни, новаторларнинг, пешқадам коллективларнинг тажрибасини кенг жорий этишга, юқори сифатли маҳсулот чиқаришни таъминлашга, 1977 йилда маҳсулотнинг 216 турини давлат Сифат белгиси олишга тақдим этишга қарор қилинди.

ГПИ-4, «Средазнипкипиш чепром», «Узнинградостроительства» лойиҳалаш институтларининг коллективлари ана шу тармоқларнинг қурилишлари учун сифатли лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ва муддатидан илгари ишлаб чиқиш мажбуриятларини олдилар. Бу лойиҳа-смета ҳужжатларида замонавий техникавий ечимлар, самарали конструкциялар ва материаллардан фойдаланиш, лойиҳаларни ишлаб чиққан чоқда қурилиш қийматини камайтириш зарурлиги, ишга туширилган қурилишларда мунтазам равишда авторлик назоратини уюштириш ҳисобга олинади.

«Узбектекстильмаш», «Союзхлопкомаш», «Средазэлектроаппарат» бирлашмаларининг ва «Ташкенткабель» заводининг коллективлари Ўзбекистон ва барча қардош иттифоқдош республикаларнинг енгил саноат, озиқ-овқат саноати, пахта тозалаш саноати, гўшт-сут ва балиқ саноати қурилишларига, шу жумладан Ленинград йигириш, Донецк ип йигириш, Макеевка ип йигириш, Лутск мелан комбинатлари қурилишига 1977 йилнинг биринчи ярмида, Ўзбекистон ССР Қашқадарё областининг Нишон, Туркманистон ССР Чоржўй областининг Фароб ва Тожикистон ССРнинг «Пролетар» пахта тозалаш заводлари қурилишига технология ва электр ускуналарини, электрокабел ва симларни ҳамда кўпгина бошқа маҳсулотларни нарядларда кўзда тутилган муддатлардан 20-50 кун илгари етказиб беришга аҳд қилдилар.

Қурилиш, монтаж, лойиҳалаш ташкилотларининг ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ва машинасозлик корхоналари коллективлари мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа ўтказиш шартномаларини тузадилар.

Коллективлар саноатнинг ана шу тармоқлари объектларини қуришда иштирок этаётган барча бинокорларга, монтажчиларга, лойиҳачиларга, ишга туширувчиларга, шунингдек, тегишли технология ускуналарини тайёрловчи ва етказиб берувчи ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи корхоналар ва ташкилотларнинг барча коллективларига мурожаат қилиб, уларни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва 1977 йил ҳамда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборишга даъват этдилар.

Улар КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советини олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун, совет халқининг фаровонлигини тинмай ошириш юзасидан партия программасини рўёбга чиқаришга ўз муносиб ҳиссамизни қўшиш учун бутун куч, билим ва тажрибаларимизни сарфлаймиз, деб ишонтирдилар.

Ушбу мажбуриятлар қурилиш, монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари, енгил саноат, пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат, гўшт-сут саноати, балиқ саноати, маҳаллий саноат ва машинасозлик корхоналари коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.

Социалистик мусобақанинг юксак таъсирчанлигига эришилсин. Совет давлатининг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини муттасил ошириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилаш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида социалистик мусобақанинг жуда катта имкониятларидан фойдаланилсин.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан).

«Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли Андижон ремонт заводи мотор цехи реконструкциясининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Энди бу ерда цехнинг йиллик ремонт қуввати 6 минг трактор двигателига ошди. Юбилей йилида республика хўжаликлари корхона ремонтчиларидан 15 минг дона сифатли капитал ремонт қилинган моторлар олади. 1979 йилга бориб бу рақам 20 минг донага ошади. Суратда: (чапдан) корхона инженер-технологи Рашид Михалев, конструктор Альберт Шубин ва техника бўлими бошлиғи Анвар Деҳқонов ўртоқлар корхонанинг реконструкцияси ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ИПАКЧИЛАР АҲДИ

Марғилондаги «Атлас» газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини зўр мамнуният билан кутиб олди.

Ипакчиларнинг кўп минг кишилик коллективи беш йиллликнинг иккинчи йили ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари 16 декабргача бажариш ҳамда пландан ташқари 190 минг метр тайёр шойи газлама ва 200 минг метр сурп, кўплаб бошқа хил газлама — жами 5,2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилди. (ЎзТАГ).

ВОҚЕА АРАФАСИДА

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

«Узгипрокоммунинжпроект» лойиҳа институтида Тошкентни ахлатдан тозалаш ишларини такомиллаштиришнинг бош схемаси тузиб чиқилди. «Ташкентплан» топшириғига биноан лойиҳа институти билан республика санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти ходимлари ўтказган тадқиқотларнинг натижалари тўртта қалин томни ҳосил қилди.

Схемани тузган кишилар катта шаҳарнинг энг зарур проблемаларидан бирини рақамлар тили билан ифодалаб бердилар. Ҳисоб-китобларга қараганда, Тошкентда яшовчи ҳар бир кишига тўғри келадиган рўзғор чиқиндилари миқдори тез кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби равшан: одамлар яхшироқ яшайдиган бўлиб қолдилар. Турли-туман молларни кўпроқ сотиб олмоқдалар, уй жиҳозларини тез-тез янгиламоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ республика пойтахтида бир йил ичида салкам 2 миллион куб метр ахлат тўпланмоқда. Яқин келажакдаги аҳвол қандай бўлади? Демографлар билан иқтисодчиларнинг тахминларини ҳисобга олган тадқиқотчилар бу саволга қуйидаги жавобни беришди: яна ўн беш йилдан кейин чиқиндилар ҳажми икки ярим миллион куб метрдан ортади. Чиқиндилар структурасининг ўзгариши ҳам унинг тез кўпайишига сабаб бўлади, чунки биз пакетларга, полиэтилен халтачалар, банкалар, картонларга ўралган маҳсулотларни сотиб олмоқдамиз.

Ҳозир Тошкент коммунал хўжаликлари ахлатни ташиб кетишга неча миллион сўмлаб сарф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Аммо гап чиқиндининг кўплигидагина эмас, иссиқ иқлимли районда ҳавони бузадиган, касалликларни тарқалиш хавфини туғдирадиган ахлатхоналар жуда хатарлидир.

Фан ютуқлари, жумладан РСФСР коммунал хўжалик академиясининг асарлари бунинг иложини топишда схема тузувчиларга ёрдам берди. Ахлатни қайта ишлайдиган заводлар қуриш энг тўғри йўл бўлиб чиқди.

Биринчи ана шундай завод тез орада ишга туширилади. Тошкентнинг жанубий-ғарбий чеккасида унинг корпуслари қад кўтарди. Қурувчилар бу ердаги охирги ишларни тугалламоқдалар.

Чиқиндиларни биологик усулда қайта ишлайдиган технология комплекси заводнинг негизи бўлади. Бу комплекс учун ажратилган катта бинода ахлатдан дом-дарак йўқ. Ҳамма ёқ мусаффо, полга ранг-баранг плиталар ётқизилган, деворларидаги чинни кошинлар кўзни қамаштиради. Залдаги тўртта айланма барабанга чиқиндилар билан бирга қиздирилган ҳаво юборилади. Бу ерга тушган ахлат уч кун ичида микробсиз органик ўғитга айланади.

Янги завод ахлат ташувчи кишилар меҳнатининг характери тўғрисидаги тасаввурни бутунлай ўзгартириши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу корхонада машиналарга ахлат жойлашдан тортиб, тайёр маҳсулотни чиқаришгача бўлган барча технология операциялари автоматлаштирилади. Кўпдан-кўп агрегатларнинг ва мураккаб конвейер системасининг иши битта бошқарув пультидан кузатиб турилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент шаҳри хўжалигининг маданиятини кескин ошириши лозим бўлган бу объект рўзғор чиқиндиларини комплекс қайта ишлайдиган экспериментал завод деб аталган. «Эксперимент-ал» сўзи ишлатилиши бежиз эмас. Мамлакатда шу типдаги тўртинчи корхона бўлган бу завод (Москвада иккита ва Ленинградда битта шундай корхона бор). асбоб-ускуналари ва технологиясининг янгилиги билан ажралиб туради.

Г. ЛИПШИЦ.
Ўзбекистон Информация агентлигининг мухбири.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

12 январда Москвадаги «Дўстлик» уйида «СССР — Сурия» дўстлик жамиятининг иккинчи Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз жамоатчилигининг намояндалари ўз нутқларида жамият совет кишиларини Сурия халқининг ҳаёти, тарихи ва маданияти билан, унинг мустақил миллий экономикани мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган кураши билан таништириш мақсадида катта иш қилаётганлигини уқтириб ўтдилар.

Сурия Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Жабрал-Кафрий сўзга чиқиб, «СССР — Сурия» дўстлик жамияти ҳар иккала дўст давлатлар халқлари ўртасида дўстона муносабатларни, ҳамжиҳатликни ва ҳар тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганлигини айтди.

Конференцияда жамият правлениесининг янги состави сайланди. (ТАСС).

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

МЕҲНАТ КУРКИ

● ЗЛОБИНЧИ БРИГАДАЛАР КУПАЯВЕРСИН
● БРИГАДА ПУДРАТИ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ
● МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ — АСОСИЙ МАСАЛА

Зеленограднинг машҳур қурувчиси, мамлакатда бинокорлар орасида хўжалик ҳисоби бўйича ишлашни биринчи бўлиб бошлаб берган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин издошлари Бухорода ҳам шонш-шуҳрат қозонмоқдалар. Улар ўртасида шу кунларда ўзаро қизғин мусобақа ҳар қачонгидан ҳам кенг тус олиб кетди.

Яқинда «Бухарагазпромстрой» тресті бўйича тўпланган маълумотларга кўра, Александр Никитин бошлиқ комплекс бригада злобинчи бригадалар усулида ишлаётган энг яхши коллектив деб топилди. Шу боисдан ҳам ҳозир бригада аъзолари тўғрисида илиқ гаплар қўплаб айтилмоқда.

Бригадада ҳамма ишларни хўжалик ҳисоби талаблари бўйича қайта қуриш осон бўлмади. Бу йўлда қанчадан-қанча қийинчиликларга рўбарў келинди. Ҳатто бригадага ўюшганларнинг баъзи бирлари ҳам янгича усул билан ишлашга даставвал лоқайдлик билан қарашди. Шунинг учун ҳам бу йўлдаги машаққатларни бартараф этиш қўпроқ Александр Никитиннинг зиммасига тушди. Кейин уни трестда ҳам, бошқармада ҳам қўллаб-қувватлашди.

Янгиликнинг дастлабки натижалари фақат Александр Никитиннигина эмас, балки бутун коллективни қувонтирди. Бригада аъзолари қалбида янгича усулга бўлган ишонч ортди, кишиларда ғайрат ва шижоатни кўпайтирди.

— Биз злобинчасига ишлашга кўчганимиздан сўнг— деб ҳикоя қилади Александр Никитин, — биринчи марта қирқ саккиз квартирали уйни одатдагидан кўра бир ой олдин битиришга ва фойдаланишга топширишга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, бригада пудрати усули коллективни кўп нарсаларга ўргатди. Бригадада минутлар қадрига етиш туйғуси масъулияти ошди. Аввало иш вақтида бекор туриб қолишга батамом барҳам берилди. Бундан ташқари қурилиш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш, исрофгарчиликка қарши ҳамма чораларни кўриш тадбирлари қурилиш харажатларини анча камайтирди.

— Шундан кейингина бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўзини қурилишнинг ҳақиқий хўжайини эканлигини қалбидан ҳис этишга одатланди, — дейди ўртоқ Никитин.

Илгариги пайтларда қурилиш майдонида синган, кераксиз ёғоч-тахталар, гишт парчалари ва бошқа икир-чикирлар тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётарди. Энди бўлса бундай хунук манзараларни бу бригада ишлаётган майдонларда учратиш қийин. Негаки бундай хўжасизлика бутунлай барҳам берилган.

— Хўжалик ҳисобига ўтилгандан кейин қурилган дастлабки уйда йигирма икки кубометр тахтани иқтисод қилишга, кўплаб цемент ва гиштни тежаб қолишга эришдик, — деб таъкидлайди бригадир.

— Ишга жиддий равишда киришилгандан сўнг ички резерв ва имкониятлар бирма-бир очила бошлади. Яхши ва тежамкорлик билан иш олиб боришга ҳалақит берадиган эски қоида ва тартибларга бирин-кетин зарба берила борди.

Масалан, қурилишга келтириладиган материалларни қабул қилиб олишда илгариги бефарқлик, шошма-шошарлик мутлақо тугатилди. Чунончи, қурилишга гишт келтирган шофер машинани юқдан тезроқ бўшатишга шошилгани-шошилган эди ва пала-партишлик билан материаллар бир қисмининг нобуд бўлишига йўл қўяр эди. Энди ишчилар эса ишчилар материалларни нес-нобуд қилмай туширибгина қолмасдан, шоферларнинг шошқалоқлигига сира йўл қўймаётган бўлсалар ҳам, ҳеч ким ва ҳеч нарсага ҳалақит бермаётган тарзда жойлаштириладиган бўлди. Бу тартиб тўла амалга оширилгач, иш майдонида фақат гишт терувчиларнинг ўзларигина ишлайди.

Умуман бригадада қурувчилар сони бошқа коллективлардагига қараганда анча кам. Лекин шундай бўлишига қарамай меҳнат унумдорлиги ғоятда юксак бўлдпти Бригада ойлик топшириқларини ҳар доим 150-160 процентга етказиб адо этиб келмоқда. Бригададаги ҳар бир гиштчи ҳисобига кунига ўртача 3,5 кубометргача гишт териш мумкин бўлдпти.

— Бригадамизнинг кўпчилик аъзолари турли миллатга мансуб бўлишдан ташқари уларнинг ҳаммаси ёшлардир, — дейди Александр Никитин. Сафимизда рус, ўзбек, тожик, татар ёшлар бор. Лекин биз бундан қатъий назар ўзаро тотув, оғаинилар, меҳрибон дўстлармиз. Дўстлик бизнинг қанчадан қанча ютуқларга эришишимизда мадад беряпти.

Чиндан ҳам аҳиллик, дўстлик туфайли янгиликлари собитқадамлик билан қурилишда жорий этиш туфайли ажойиб иморатлар юксалмоқда. Бригада аъзолари шаҳарлар ва қишлоқлар кўркига кўрк қўшишяпти.

Я. ТУХТАЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ СЪЕЗДЛАРИ

ВИЛЬНЮС. Литва журналистларининг 12 январда бўлиб ўтган съездида КПСС XXV съезди қарорлари асосида оммавий ахборот воситаларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Республика журналистлари КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ меҳнаткашларига қаратилган мактубида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорида ўртага қўйилган улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга эришишни ўзларининг бурчлари деб ҳисоблаётганликлари съездда таъкидлаб ўтилди.

Литва журналистлар союзининг раҳбар органи, СССР журналистлар союзининг IV съездига делегатлар сайланди.

АШХОБОД. Туркманистон журналистларининг 12 январда республика пойтахтида бўлиб ўтган съездида ўнинчи беш йиллик планларини, КПСС XXV съезди қарорлари асосида газета ва журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш редакцияларининг ходимлари олдида турган вазифаларни бажаришда журналистларнинг актив иштирок этиш йўллари муҳокама қилинди.

Правление ва ревизия комиссиясининг янги состави, СССР Журналистлар союзининг IV съездига делегатлар сайланди.

ТАЛЛИН. 12 январда бу ерда Эстония ССР журналистларининг V съезди бўлиб ўтди.

КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори, деб таъкидланди съездда, журналистлар олдида янги улкан вазифаларни кўйди. Сўзга чиққан нотиқлар кўриб чиқилаётган проблемаларнинг моҳияти билан чуқур шуғулланиш, илғор иш тажрибасини тўлароқ очиб бериш ва ёритиш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Эстония журналистлар союзи раҳбар органларининг янги состави ва СССР Журналистлар союзининг IV съездига делегатлар сайланди.

(ТАСС).

АСАЛ АГРОФАБРИКАЛАРИ

«УЗПЧЕЛОПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу йил яна 8 та ихтисослаштирилган совхоз барпо этиш соҳасидаги ишлар бошлаб юборилди.

Совхозлар колхозлардаги майда асаларичиликни бирлаштириш базасида барпо этилади: асаларичилик саноат негизига ўтказилади. Андижон ва Хоразм областларида иккитадан шундай хўжалик барпо этилади. Шофиркон, Поп, Қўқон районларида бу йил 3 минг яшик ва ундан кўпроқ асалари боқиладиган каттакатта агрофабрикалар барпо этилади. «Узпчелопром»да бу йил 14 та совхоз бўлади.

Янги йилнинг дастлабки ўн куни ичида 20 минг метр газлама тўқилиб, қарийб бир ойлик план бажарилди! Наманган шойи газламалар комбинатида Владимир Ломакин ишлайдиган тўқувчилик комплектининг меҳнат якуни ана шундай бўлди. Корхонанинг бу илғор коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан, Октябрнинг 60 йиллигига қадар тўрт йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди.

Тўқувчиларнинг иш суръатлари мажбуриятларни бажариш имкониятини беради. Бунда орттирилган катта тажриба, шуни айтиш керакки, бригада етакчисини Бухорода тажрибали бинокор, ишнинг оқилона ташкилотчиси сифатида яхши билишади. У аслида меҳнат фаолиятини бундан ўн уч йил бурун Тошкентда бошлаган эди. Кучли зилзила туфайли Ўзбекистон пойтахтида юз берган вайронгарчиликларни тугатиш ва тамоман янги шаҳарни бунёд этишда кўнгиллилар сафида иш бошлаган эди. Бу ерда у бинокорлик касбини эгаллади. Аввал гишт терувчи бўлди, кейин дурадгорлик қилди, монтажчилик касбини ўрганди.

Бригадада ташаббускорлик билан иш олиб бориш йўлга қўйилган. Ишга кўмаклашувчи ҳатто энг майда икир-чикир янгиликларни ҳам бу ерда эринмай амалга оширилади. Чунки бригадирнинг ўзи янгиликни ғоятда севувчи кишилардан ҳисобланади. Унинг ўзи кўпдан-кўп яхши нарсаларнинг ташаббускоридир. Чунончи, у ҳар бир гишт терувчи ўзи ишлатадиган қоришмани ўзи таъминлаши зарурлигини ўртага ташлади. Аввалига бу таклиф баъзиларга ёқмади. Бироқ, иш яхши ўюштирилган пайтда бу нарса унчалик қийин эмаслиги амалда исботланди. Ҳар бир гишт терувчи ўзи учун етарли миқдорда қоришма олиш тартиби қатъий равишда амалга оширилди. Гишт тахланган поддонлар ҳам гишт терувчилар учун қулай қилиб қўйиладиган ва бошқа иш билан шуғулланувчиларга халақит бермайдиган тарзда жойлаштириладиган бўлди. Бу тартиб тўла амалга оширилгач, иш майдонида фақат гишт терувчиларнинг ўзларигина ишлайди.

Умуман бригадада қурувчилар сони бошқа коллективлардагига қараганда анча кам. Лекин шундай бўлишига қарамай меҳнат унумдорлиги ғоятда юксак бўлдпти Бригада ойлик топшириқларини ҳар доим 150-160 процентга етказиб адо этиб келмоқда. Бригададаги ҳар бир гиштчи ҳисобига кунига ўртача 3,5 кубометргача гишт териш мумкин бўлдпти.

— Бригадамизнинг кўпчилик аъзолари турли миллатга мансуб бўлишдан ташқари уларнинг ҳаммаси ёшлардир, — дейди Александр Никитин. Сафимизда рус, ўзбек, тожик, татар ёшлар бор. Лекин биз бундан қатъий назар ўзаро тотув, оғаинилар, меҳрибон дўстлармиз. Дўстлик бизнинг қанчадан қанча ютуқларга эришишимизда мадад беряпти.

Чиндан ҳам аҳиллик, дўстлик туфайли янгиликлари собитқадамлик билан қурилишда жорий этиш туфайли ажойиб иморатлар юксалмоқда. Бригада аъзолари шаҳарлар ва қишлоқлар кўркига кўрк қўшишяпти.

Я. ТУХТАЕВ.

ИЛҒОР БРИГАДА НАМУНАСИ

Анна Седова ва Тамара Иванова сингари ишчиларнинг меҳнатга чинакам коммунистик муносабатда бўлаётганлиги ўз кучини кўрсатмоқда. Улар ҳар бир минутдан оқилона фойдаланиб, ҳар қандай камчиликларни тугатишга нормада кўзда тутилганидан икки баравар кам вақт сарфламоқдалар. Ишчилардан Альбина Носкова ва Елизавета Медведева моҳирлик билан меҳнат қилмоқдалар. Тўқувчилар бир-бирларига ўз вақтида кўмаклашадилар, улардан ҳар бири ўз машиналарининг «нафасини сезиб» турадилар. Бригадир бошлиқ беш кишининг ҳаммаси барча операцияларни бирдек яхши эгаллаб олишган.

Мана уч йил бўлдики, бригада нормадагига нисбатан икки баравар кўп; олтмишта тўқув станогига хизмат қилмоқда. Бу — корхонанинг биринчи тўқимачилик цехида энг юксак кўрсаткичдир. Ломакин бошлиқ бригада Ватанга берган сўзининг устидан чиқиши учун хизмат кўрсатиладиган зонада яна саккизта машинани қўлайтиришга аҳд қилди.

(ЎзТАГ мухбири).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАКТУБИГА ЖАВОБАН

ГЎШТ ФАБРИКАСИ

«ЧОРВА МОЛЛАРНИ БЎРДОҚИГА ВА ЯЙЛОВДА БОҚИБ СЕМИРТИРИШНИНГ ИНТЕНСИВ МЕТОДЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ГЎШТГА ТОПШИРИЛАДИГАН ЧОРВА ВАЗНИНИ ОШИРИШ — ҚЎШИМЧА ГЎШТ ОЛИШНИНГ КАТТА РЕЗЕРВИДИР».

(КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан).



ЧОРВА КОМПЛЕКСИДА ГЎШТ ЕТИШТИРИШ (ТОННА ҲИСОБИДА) ВА СОФ ФОЙДА (МИНГ СЎМ ҲИСОБИДА).

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми тарихий қароридан кейин жамоат чорвачилигини ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор берилди. Ушбу Пленум қарори асосида Каттақўрғон совхозлараро бўрдоқичилик пунктининг мол семиртириш базаси ривожлана бошлади. Мол боқиш бинолари кенгайди, техникавий ҳолати яхшиланди. 1972 йилга келиб бир йўла 4.000 бош, йил давомида ғўяи уч навбатда 12 минг бош қорамолни боқиб семиртириш мумкин бўлди.

Бўрдоқи боқиш пункти ташкилий давридан — 1958 йилдан бошлаб фақат Самарқанд областидаги совхозлардан мол қабул қилиб олиб, уни боқиб семиртирарди. Ҳисоб-китоб ишларини давлат хўжаликлари билан олиб борардик. Биз фермалардан қорамолни қабул қилиб ва ўлчаб олиб, семиртириб гўштликка топширган маҳсулотимиз ўша хўжаликлар ҳисобига ўтарди. Соф фойданинг асосини улар оларди, бир қисмигина пунктимиз ҳисобида қоларди. Чунончи, бўрдоқи боқиш пунктимиз 1974 йили семиртириш ҳисобига гўшт етиштириш топширигини ана ошириб бажариб, ғалвирни сувдан кўтарганда 1 миллион 800 минг сўм фойда билан чиқди. Шундан кўпи хўжаликларга ўтказилиб, фақат коллективимиз 303 минг сўм соф фойдага эга бўлди.

Область ташкилотлари аралашуви ва бизнинг талабимиз бўйича бўрдоқи боқиш пунктимиз 1975 йил август ойида қорамолларни саноат асосида бўрдоқига боқиш чорва комплексига айланди. Илгари —бўрдоқи боқиш пункти бўлиб турган 1970 йили жами 5560 бош қорамолни бўрдоқига боқиб, ҳар бош молнинг боқув даврида тирик вазнини 43,7 килограммдан оширган бўлсак, чорва комплексига айланган биринчи йили 13380 бош қорамол боқиб, ҳар бирининг оғирлигини 75 килограммдан оширилишини таъминладик. Семиртириш ҳисобига етиштирган ҳар центнер гўштнинг таннархини 72 сўмдан 68 сўмга камайтиришга эришдик.

Ўтган тўққизинчи беш йиллик чорва комплексимиз учун юксалиш, қутлуғ қадам даври бўлди. Замонавий сўқимхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари П. М. Нескубо, У. И. Мансурова, М. С. Яроновский, Г. Г. Ломовларнинг ҳамкорлиги ва ёрдами туфайли 1973 йил ўрталарида республикада энг йирик ҳамда ёзин-қишин бир зайлда маҳсулот тайёрлайдиган хлорелла цехи ишга туширилди. Озуқа цехларида янги механизмлар ўрнатилди. Молларга озуқа узатиш, ҳар бир молнинг охурига новлар орқали сувни автомат билан оқизиш тадбирлари амалга оширилди. Уста операторлар етишиб чиқди. Бундан аввал ҳар киши 70-80 бош мол боқар эди, ҳозирда ҳар бир операторимиз 300-350 бош ва ундан ошиқ мол боқмоқда. Семиртириш нормасини ошириб бажариб, кўп миқдорда иш ҳаки олянти.

Ишимизнинг самарасини юқоридаги таблицадан яна-да равшан кўриш мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, комплексимиз тўққизинчи беш йиллиги охирига келиб, хўжалик ва молия фаолиятининг ҳамма соҳалари бўйича 1970 йилдагига нисбатан катта қадам ташлади. Бу муваффақиятга комплексимиз қувватини муттасил ошириш, илғор иш усулларини жорий этиш, энг муҳими бўрдоқига боқилаётган молларнинг семиришини кун сайин ошириб бориш туфайли эришмоқдамиз. Чорва комплексидаги операторлар, бригадалар бўйича ҳар ўн кунликда семириш қандай бораётганлиги қатъий назорат қилиб борилади. Бунинг учун алоҳида дафтар тутганмиз. Ундан кимнинг қандай ишлаганлигини дарров билиб олиш мумкин.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳисобланган 1976 йили чорва комплексимизда жами 17.411 бош қорамол бўрдокига боқилди. Шу молларни семиртириб, фақат шу ҳисобдан юқоридаги таблицада кўрсатилганидек 2972 тонна гўшт етиштирдик. Бунинг 94,7 проценти ўртадан юқори семизликка топширилди. Бунда комплексдаги ҳар икки бригада бошлиқлари Гадоймурод Яркулов ва Шариф Оролов ҳамда уларнинг операторларидан «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Эрдон Юсупов, Эшпўлат Кенжаев, Пирим Рўзиев каби коммунистлар ибрат кўрсатдилар. Бўрдоқига боқув даврида молларнинг ҳар бошини юз килограмм ва ундан ошиқ семиртирдилар. Комплекс бўйича боқиб семиртирилган ҳар бош молнинг гўштга топшириш пайтидаги тирик вазни ўрта ҳисобда 310 килограммга етказилди.

Ўтган йилдан бошлаб областдаги ҳамма колхоз ва совхозлардан бўрдоқига мол қабул қилиб олаётирмиз. Асосан 8-12 ойлик новвослар ҳамда фермаларда брак қилинган молларни оламиз. Қабул қилиб олиш билан бир қаторда хўжаликларга тегишли миқдорда пул тўлаймиз. Ёш қорамоллар аввало 120-130 кун ўстиришга боқилади. Шундан сўнг бўрдоқи ҳисобига ўтказилади. Ҳар бир бош молнинг тирик вазнини 350-370 килограммга етказгунча боқамиз. Бўрдоқи боқиш пункти бўлган даврда эса мол асосан 85-90 кун қўлда ушлаб турилади. Чунки, унда моллар давлат хўжаликларининг эди.

Бўрдоқига боқилаётган молларимизга асосан кунжара, шелуха, шрот каби чигит чиқиндилари берилади. Беда, маккажўхори, омихта ем тайёрлаш қонқарли эмас эди. Шунинг учун ҳам биз хлорелла ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик. Бир кеча-кундузда 50 тонна хлорелла тайёрлаб берадиган цехимиз худди теплицага ўхшаш усти ёпилган.

Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада яхши кўрсаткичларни қўлга киритиш, Улуғ Октябрь революциясининг ўнинчи 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Биз юбилей йилида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини маъқуллаб, 4500 тонна гўшт етиштиришга аҳд қилдик. Беш йилликнинг охирига бориб, бу кўрсаткични 6480 тоннага етказамиз. Бунга фақат семиртириш ҳисобига эришилади. Бу йил камида 22 минг бош қорамолни бўрдоқига боқамиз. Ҳозир комплексимизда 16 минг бошдан кўпроқ мол боқилмоқда. Юбилей йилида бўрдоқига қўйилган ҳар бош қорамолнинг 110 килограммдан семиришини таъминлаймиз. Кунлик ўсишини бир килограммгача етказамиз.

Бўрдоқибоқарлар КПСС Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланиб, ички имконият ва резерврларни ишга солмоқдалар. Молларни хлорелла ва ширали озуқа билан боқишни кенг қўлламоқдалар. Шу муносабат билан 4000 гектар лалмикор ва 712 гектар сувли ерда деҳқончилик қилинмоқда. 2171 гектар бедазордан ташқари кўкламда 400 гектар ерга янги беда экиш планлаштирилди. 1623 гектар ерга кунгабоқар экилади. Шу билан бирга маккажўхори, озуқабоп экинлар экиш ҳам кўзда тутилмоқда. Ерларнинг ҳаммаси кўзда чуқур ҳайдалган, ўғитланган.

Чорва комплексида иккита далачилик бўлими тузилди. Уларга партия ташкилотининг секретари Боли Эшқувватов ҳамда Қобул Аҳмедов ўртоқлар бошчилик қилишмоқда. Ҳар икки бўлимга тегишли трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари, ишчи кучи ажратиб берилган.

Ҳозирда комплексимиз территориясида мол асраладиган ва боқиладиган 10 та бинодан фойдаланилмоқда. Яқин фурсатларда 7500 бош молга мўлжалланган молхона қурила бошланади. Унинг лойиҳа ва сметалари тахт. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1978—1979 йиллар давомида комплексимизда бир йўла 20 минг бош, йил мобайнида 60 минг бош қорамолни боқиб семиртиришга ўтилади. Семиртириш ҳисобига гўшт етиштириш ҳозирдагига қараганда икки баравар кўпайтирилади.

Комплексимизда ишлайдиган чорвадорлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда улар 270 кишидан ошиб кетди. 1970 йили партия ташкилотимиз ҳисобида 11 коммунист бор эди. Эндиликда улар 43 кишига етди. Кўпчилик бригада бошлиқлари, операторлар, механизаторлар, мутахассислар коммунистлардир. Коммунистлар ва молбоқарлар орасида оммавий-сиёсий ишлар ҳамда социалистик мусобақа кун сайин кучайтирилмоқда. Мусобақа якунлари ҳар ўн кунликда кўрилиб борилади. Голиблар мукофотланади.

Маъмурият, партия ва касаба союз комитетлари операторлар учун ҳар бири 300, 200 ва 100 сўмлик ўта мукофотни таъсис этди. Кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар таъсис этилди.

Чорва комплексимизни саноат усулидаги йирик гўшт фабрикаси деса бўлади. Партия ҳукуматимиз коллективимиз хизматига юксак баҳо берди. Ўтган йили, тўқкизинчи беш йилликдаги кўрсаткичларимизга кўра, комплексимиз «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Илғор ишчи ва хизматчиларимиз орден ва медаллар билан тақдирландилар. Биз ана шу юксак мукофотларга унумли ишлаш билан, мамлакатга кўплаб бўрдоқи гўшти етказиб бериш билан жавоб берамиз.

Г. З. АНПИЛОГОВ,
Каттақўрғондаги қорамолларни саноат асосида бўрдоқига боқиш чорва комплексининг директори, Ленин ордени кавалери.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев америкалик сиёсий обзорчи Ж. Кингсбери-Смитнинг саволларига қайтарган жавобларида стратегик қуроллароғларни чеклаш тўғрисида битим тузиш борасидаги ишларни мумкин қадар тезроқ тугаллаш учун энг юксак даражада Совет — Америка учрашувларини давом эттириш кераклигини айтди, деб ёзади Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси. Стратегик қурол-яроғларни чеклашнинг иккинчи босқичи тўғрисидаги битим жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Узаро келишиб олиш ва тегишли битимларни имзолаш қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи Женева комитетининг ишини ҳам, шунингдек Вена музокараларини ҳам жадаллаштирган бўлур эди.

Матбуот Москвада олиб борилаётган Совет— Италия музокараларини ёритмоқда. Франциянинг «Фигаро» газетаси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Италия ташқи ишлар министри А. Форлани шарафига ўтказган зиёфатда сўзланган нутқлар тўғрисида хабар беради ва А. А. Громико нутқининг Яқин Шарқ можаросини тинч бартараф қилиш проблемасини ҳал этиш зарур эканлиги тўғрисида гап борган қисмига эътибор беради. Совет дипломатияси, деб ёзади газета, жаҳон жамоатчилигининг эътиборини Яқин Шарқ проблемасига жалб этишга қарор берди. Москва ўзининг амъанавий сиёсатини ўзгартирмай, Яқин Шарқ проблемасини ҳал этиш учун Женева конференциясини давом эттириш керак, деб таъкидлайди.

Чет эл матбуоти 14 январь куни Москвада тинчликсевар кучларнинг жаҳон анжумани очилиши муносабати билан шарҳларни босиб чиқармоқда. Бу анжуман, дейилади Берлинда чиқадиган «Нойе Цайт» газетасининг бош мақоласида, кескинликнинг юмшатилишини кучайтириш учун ва қуроллариш пойгасини тўхтатиш ҳамда қуролсизланиш учун изчил ҳаракат қилаётган кучлар вакилларининг конструктив музокара олиб боришларига имконият яратиб беради.

Парижда чиқадиган «Юманите» газетаси АҚШ билан СССРнинг ҳарбий ҳаражатлари тўғрисида Америка Марказий разведка бошқармасининг доклади эълон қилинганлиги ҳақида хабар бериб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Америка разведка хизмати «Советлар томонидан уруш хавфи» бор, деб даъво қилиб, шу борадаги кампанияни кучайтириб юборди. СССРнинг ҳарбий ҳаражатлари тўғрисида Марказий разведка бошқармасининг маълумотлари асоссиздир. Корчалонлар АҚШнинг янги ҳукуматини ҳарбий ҳаражатларни кўпайтириш йўлига ўтиб олишга мажбур қилмоқчи бўлиб, барча воситалар ёрдамида, шу жумладан Марказий разведка бошқармасидан фойдаланиб, бу ҳукуматга тазйиқ кўрсатмоқдалар.

«Вашингтон пост» газетаси сенатнинг ташқи ишлар комиссиясида АҚШ давлат секретари лавозимига кўрсатилган С. Вэнс номзоди муҳокама қилинаётганлиги тўғрисида хабар бериб, С. Вэснинг АҚШ Совет Иттифоқи билан муносабатларда кескинликни юмшатиш йўлини сабот-матонат ва қатъият билан давом эттириши, ядро қуролини чеклаш ва унинг устидан назорат ўрнатишга ҳаракат қилиши лозим, деган гапларига эътиборни жалб этади.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ **БЕРЛИН.** Штральзунд шаҳридаги кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан ясалган бу йилги биринчи кема сузга туширилди. ГДР кемасозлари «Атлантика» туркумидаги улкан траулерни муддатидан уч кун илгари қуриб бўлдилар. Бу траулер Новороссийск портига жўнатилади. У 1972 йилдан буён СССРнинг балиқчилик флоти учун мазкур корхонада қурилган шундай типдаги 57. кемадир.

▲ **БОНН.** Баден-Вюртемберг ўлкасидаги Эслинген шаҳрининг маъмурлари Германия Коммунистик партияси маҳаллий ташкилотининг шаҳарга асос солинган кунининг 1250 йиллигига бағишлаб митинг ўтказиш учун бино ажратиб бериш тўғрисидаги илтимосини рад қилдилар. Германия Компартиясининг ташкилоти эълон қилган норозилик баёнотида реакцион христиан-демократик иттифоқ партиясининг вакиллари кўпчилиини ташкил этган шаҳар мажлисининг қарори Германия Компартиясига нисбатан намситиш ҳаракатининг янги далили эканлиги таъкидлаб ўтилди.

▲ **ЖАЗОИР.** Жазоир Халқ Демократик Республикасида мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи бўлган миллий халқ мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатила бошлади. Оммавий ташкилотлар вакилларининг иштироки билан Миллий озодлик фронти партияси маҳаллий ташкилотларининг бутун мамлакатда ўтказилаётган йиғилишларида таклиф этилган номзодлар муҳокама этилмоқда. Миллий халқ мажлисига 260 депутат сайланиши керак. Сайлов шу йил февраль ойининг бошларида ўтказилади.

▲ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ камбағалларига қарз берадиган маҳаллий банкларни 60 тага етказишга қарор қилди. Ҳозир мамлакатнинг турли штатларида 40 та ана шундай банк очилган. Яқин икки ой ичида яна ўнта банк очилади. 33 та маҳаллий банк ҳузурида 400 га яқин бўлим оз ерли деҳқонларга, ҳунармандларга ва қишлоқ хўжалик ишчиларига асбоб-анжом ва бинокорлик материаллари сотиб олиш учун имтиёзли шартлар билан қарз бераётир. Ҳиндистон ҳукуматининг янги тадбири мамлакат қишлоқ аҳолисининг энг камбағал қатламлари аҳволини яхшилашга қаратилган.

(ТАСС).



Германия Демократик Республикасининг Зуль округидаги «Электрокерамише верке» корхонасида ишлаб чиқарилаётган изоляторларга республика Сифат белгиси берилди. Бу изоляторлар Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатларни бирлаштирувчи «Тинчлик» энергосистемасида кенг қўлланилмоқда. Суратда: корхона цехларидан бири.

АДН—ТАСС фотоси.

САМОВИЙ ЙЎЛЛАР КАШШОФИ

Совет кишилари амалий космонавтиканинг асосчиси, дастлабки ракета-космик системаларнинг, ер сунъий йўлдошлари ва космик кемаларнинг бош конструктори туғилган кунининг 70 йиллигини нишонламоқдалар. Шу йўлдош ва кемаларни учириш туфайли мамлакатимиз жаҳон космонавтикасига ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Барча замонлар фан ва техникасининг энг буюк зафарларидан бири — инсониятнинг космик фазони ўзлаштириш даври бошланганлиги академик С. П. Королев номи билан абадий боғланган.

12 январь куни Москвадаги олимлар уйида академик С. П. Королев туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган илмий сессия очилди. Залда Ватанимиз косманавтикаси бешигини тебратган таниқли совет олимлари, С. П. Королевнинг сафдошлари, СССРнинг космонавт учувчилари, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари ўтиришибди.

СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров кириш нутқида бундай деди: Сергей Павлович Королев замонамиз атоқли олимларининг ўз халқи қаҳ-ҳаҳида ёркин из қолдирган, илм-фанда тадқиқотларнинг мутлақо янги йўлларини очган плеядаси жумласига мансубдир. Шу олимлар туфайли жаҳон цивилизацияси тарихига улуғвор кашфиётлар ва ютуқлар ёзилиб қолади.

Академик А. Ю. Ишлинский амалий космонавтика кашшофининг қаҳ-ҳаҳи ва илмий фаолияти тўғрисида қилган докладида Королевнинг тадқиқотчи ва инженерга хос ноёб талантни ажойиб ташкилотчилик истеъдоди билан бирга қўшган олим бўлганлиги тўғрисида гапирди. У космик ракетасозлигининг биринчи мактабини бунёд этди, янги ракеталар ва космик аппаратларнинг нусхалари устидаги иш жараёнида инженерлар ва техникларнинг жанговар коллективини тарбиялаб етиштирдики, ҳозир улар космик фазони ўзлаштириш ишини муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

СССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси академик М. В. Келдиш, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги О. К. Антонов академик С. П. Королевнинг ажойиб олим ва талантли ташкилотчи, космонавтларнинг устози эканлигидан далолат берувчи хотираларини гапириб бердилар.

Илмий сессия уч кун давом этади. Унда бу йил ўзининг йигирма йиллигини нишонлайдиган совет космонавтикаси ривожининг асосий якунлари тўғрисидаги докладлар тинглананади, келгусида космик фазони ўзлаштиришнинг турли илмий ва инженерлик жиҳатлари муҳокама қилинади.

(ТАСС мухбири).

ЛИТВА ТИЛИДА

ВИЛЬНЮС, 12 январь (ТАСС). Республика «Минтис» нашриёти В. И. Ленин 55 томлик тўла асарлар тўпламининг иккинчи томини Литва тилида босмадан чиқарди. Бу асарларни Литва Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти нашр этмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Кеча редакциямиз почтасига текшириш ва чора кўриш учун жойларга юборилган газет-хонлар таниқидий хабарлари юзасидан 17 та жавоб келди. Министрлик ва идоралар, партия ва Совет, бошқа ташкилотлардан адресимизга йўлланган жавоб хатларининг аксариятида газетхонлар сигналлари текширишда тасдиқланганлиги, шунингдек, у ёки бу масала бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилаётгани маълум қилинади.

Қуйида ана шу жавобларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

ҚЎЛИ ЭГРИЛАР ЖАЗОСИ

«Хатирчи районидаги Гагарин савдо бирлашмасида совет савдо қонун-қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Бирлашма директори Чўтбоев эса бундай хато-нуқсонларга панжа орасидан қарамоқда...»

(Газетхон А. Набиев хабаридан).

ХАТИРЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: Хатдаги фактлар тасдиқланди. Харидорлар ҳақига хиёнат қилиб келган, ўз киссасини қаппайтиришдан бошқа нарсани ўйламаган Гагарин савдо бирлашмасига қарашли магазин мудирларидан Р. Юсупова, Э. Юсупов, Х. Бухорова, И. Васимовлар устидан жиноий иш қўзғотилиб, тўпланган материаллар судга ошириди. Совет савдо қонун-қоидаларини қўпол равишда бузилишига йўл қўйган бирлашма директори Чўтбоев, товаршунос Жумаевлар вазифаларидан четлаштирилди. Магазин мудири Нарзуллаевга қаттиқ вигговор берилди. Бош бухгалтер Х. Жўраев эса жиддий огоҳлантирилди.

ИШДАН ОЛИНДИ

«Амударё районидаги 75-ўрта ҳунар-техника билим юртида дарсга қатнашмаган ўқувчиларни қатнашди деб, ўтилмаган дарсларни ўтилди деб журналга қайд қилиб қўйилади. Билим юрти директори Сейдабулла Матназаров буларни кўриб, ўзини кўрмаганликка солади. У хоҳлаган кишисига қонунсиз йўл билан гувоҳнома ёзиб бериши мумкин...»

(Газетхон Қ. Отажонов).

АМУДАРЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: Хатда кўрсатилган фактлар текширишда асосан тасдиқланди. Текшириш натижалари район партия комитети бюросида атрофлича муҳокама қилинди. Ғайри-қонуний ишларга қўл урганлиги, раҳбарлик шаънига доғ туширгани учун 75-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори С. Матназаров лавозимидан бўшатилди.

КЛУБ ИШИ ЖОНЛАНДИ

«Норин районининг «Октябрь» колхозида жойлашган 400 ўринли клуб хўжакўрсинга қурилганга ўхшайди. Чунки колхозчилар клуб бир ёқда қолиб, чойхонада кино томоша қилишяпти...»

(Бир группа газетхонлар хабаридан).

НОРИН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: Газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари рэйижроном йиғилишида муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам, клубда анчадан бери томошалар кўрсатилмас экан. Ҳозир бу камчиликка барҳам берилди. Қишлоқ клубида мунтазам кино қўйила бошланди.

ТРАНСКЕЙ— ИРҚЧИЛИК МАҲСУЛИ

МАПУТУ. (ТАСС). Лесото бош министри Леабуа Жонатан Масеру шаҳрида бундай деди: Преториянинг ирқчи режими Лесотога сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ўтказиб, Транскейнинг «мустақиллигини танишга Жанубий Африкадаги шу кичик давлатни мажбур қилишга уринмоқда.

Транскей — африкалик коса элати мажбуран ҳайдаб келтирилган бир макон бўлиб, ўтган йилнинг октябрида ирқчилар уни «мустақил давлат» деб эълон қилган эдилар.

Унинг мустақиллиги — шартли тушунчагинадир, чунки бу Бантустан Преториянинг маъмурларининг тўла назорати остида турибди. Ирқчилар ҳукмронлик қилаётган Жанубий Африка Республикасидаги ҳамма репрессив қонунлар бу ерда ҳам қўлланилмоқда. Бу ерга зўрлаб ҳайдаб келтирилган африкаликлар ихтиёрида яшаш учун ҳеч қандай маблағ йўқ.

Преториянинг ҳукмдорлари ва уларнинг Ғарбдаги ҳомийлари ҳозирги вақтда ана шу сохта давлатнинг халқаро миқёсда эътироф қилинишига жонжаҳдлари билан уринмоқдалар.

Бироқ, ирқчиларнинг ҳамма кирдикорларига қарамай, Форстер режимидан ташқари дунёдаги биронта мамлакат африкаликларга аталган бу қамоқ лагерининг «мустақиллигини танигани йўқ.

ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

БЕРЛИН. ГДРдаги Германия — Совет дўстлиги жамияти сафларига беш миллион киши киролашган бўлиб, бу жамият Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонлаш учун кўпдан-кўп ва хилма-хил ишларни режалаштириб қўйди.

Германия — Совет дўстлиги жамияти марказий уйининг бутун иши юбилей йилида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллиги ва Германия—Совет дўстлиги жамияти тузилганлигининг ўтиз йиллиги шиори остида ўтади. Бу ерда Советлар мамлакатига бағишланган турли-туман кўргазма ва бошқа тадбирлар уюштирилади. Булар «Совет ҳокимиятининг 60 йиллиги — тинчлик, социализм ва коммунизм йўлидаги курашнинг олтмиш йили» шиори остида ўтади.

Республиканинг кўпгина меҳнат коллективлари Октябрнинг 60 йиллигини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан нишонлаш мажбуриятини олдилар. Германия — Совет дўстлиги жамиятининг активлари бу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлишди. Варнемюнде кемасозлари янги сериядаги тўғнич универсал юк кемасини «Германия — Совет дўстлиги кемаси» деб эълон қилдилар. Улар бу кемани ўз буюртмачиси — Совет Иттифоқига юбилей тантаналари арафасида топширишга бел боғлаганлар.

ГДРнинг энг катта порт шаҳри Ростокда жамиятнинг 450 га яқин бошлангич ташкилоти Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги байрамига ва жамият тузилган кунининг 30 йиллигига яхшироқ тайёргарлик кўриш учун мусобақалашмоқдалар. Ростокдаги салкам уч минг ишлаб чиқариш коллективи «Германия — Совет дўстлиги коллективи» номини олиш учун курашмоқда.

Ю. БОРИСОВ.
ТАСС мухбири.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ЧЕЛЯБИНСК ОБЛАСТИ. Магнитогорскдаги В. И. Ленин номли металлургия комбинатида «Комсомолка» домна печини реконструкция қилиш тугалланди. Агрегатларни янгилаш жуда қисқа муддатда — икки ойда бажарилди. Чапдаги суратда: реконструкция қилинган печда биринчи бўлиб чўян эритиш ҳуқуқини олган илғор ишчилардан В. Болдашов (чапда) ва Р. Файзаховнинг.

Г. Обрезков фотоси (ТАСС).

* * *

ЯРОСЛАВЛЬ. Мотор заводида газ турбинали автомобиль двигателларининг дастлабки нусхалари яратилди. Янги моторнинг қуввати 1100 от кучига тенг. Суратда: МАЗ шассесига ўрнатилган янги двигателни синаш пайти.

С. Метелица фотоси. (ТАСС).

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

РУШЕЛ ОҒА ВА УНИНГ ОИЛАСИ

Ким нима деса деяверсин, лекин, бизнинг Рушел оға ман-ман деган деҳқонга иш ўргатадиганлардан. У ерни ардоқлади, ер эса уни. Асли ўзи шаҳарда туғилиб ўсган, енгил-елпи ишлар билан тирикчилик қилишни ёқтирмайди. Аксинча, бундайлардан йироқ юради у. Самарқанд шаҳридаги яҳудийлар маҳалласида уни ярим ҳазил, ярим чин Рушел «қишлоқи» дейишади. Чунки Рушел оға шаҳарга ҳам аҳён-аҳёнда келади. Келганда ҳам дарҳол қишлоғини қумсаб қолади. Дарҳақиқат, Рушел ўзини қишлоқ фарзанди дейишга минг бор ҳақли. Ахир, у оз эмас —40 йилдан бери қишлоқда яшайди.

Дастлаб колхозга кўчиб келган яҳудийлар орасида Рушел ҳам бор эди. Улар ҳозир 14 оила. Ҳаммалари Рушел оғанинг қариндош-уруғлари. Амнун Холдоров, Михаил Левнев, Бурхо Холдорова, Нисо Гаврилов-лар оддий колхозчи. Ильич Сезанаев — шофёр, Рафаэл Левнев — асаларичи, Берта Қандхўрова — болалар яслисининг мудираси, Борис Абрамов — педагог, Михаил Ёқубов, — механик.. Булар колхозда ҳар ишда ҳозиру нозир. Мўл ҳосил етиштириш, хўжалик экономикасини юксалтиришда сочаклик деҳқонлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишяпти.

Рушел оға меҳнат фаолиятини оддий колхозчиликдан бошлади. Бу 1940 йил баҳори эди. Икки йилдан сўнг уни звенога бошлиқ қилиб тайинлашди. Шароит осон эди дейсизми, ўшанда. Кўпчилик фронтда, ишчи кучи, техника кам. Лекин қандай бўлмасин ҳосилдорликни кўтариш вазифаси зиммага юклатилган. Шундай бўлди ҳам. Колхозда ғалвир сувдан кўтарилганда Рушел Исҳоқов бошлиқ звено аъзоларининг ғалвири баракали бўлиб чиқди.

Орадан 5 йил ўтгач, уни бригадирликка тайинлашди. Бу ишни ҳам бемалол эплай кетди у. Правлениедагилар ёш деҳқоннинг тадбиркорлигига тан беришди. Келаси йили эса у 23 нафар биларида куч-ғайрати жўшиб турган ёшлардан иборат тузилган бригадани бошқарадиган бўлди. Ёшлар шундай тез тўкиб меҳнат қилишдики, гектаридан олинадиган пахта 38 центнерга етказилиб, ҳосилдорлик бир йилда 8 центнерга кўпайди. Гектаридан олинган узум эса 170 центнердан ошди.

Рушел ўзининг самарали меҳнати билан бригада аъзоси Тамарахон Холдорова қалбида муҳаббат ўтини ёқди. Далада аҳдлашган икки ёш юрагида келажак, оила ришталари туташди. «Шошманг, йигит, тўйнинг ҳали пайти бор» деб Рушелнинг қалбида ўт ёқиб юрган Тамара ҳам кўзда гапга кўна қолди. Шу-шу икки ёш қалби мангу бирлашди. Ёш келин ҳам чакки қизлардан эмасди. У ҳам пахтазор пойгасида республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлигини олишга муваффақ бўлди. Сўнгра қатор йиллар пиллачилик звеносини бошқариб, ўзининг моҳир «кумуш тола» ижодкори эканлигини исботлади.

Кейинчалик колхоз фақат сабзавот, узумчиликка ихтисослаштирилди. 1955—1956 йиллардаги эришилган ютуқ Рушел Исҳоқов кўксига шуҳрат муҳрини босди. Гектаридан 250 центнердан картошка, 450 центнердан сабзавот ва 200 центнердан узум етиштирган ёш бригадир Ленин ордени билан мукофотланди. Бу тақдир унинг ғайратини, илҳомини жўш урдирди. 1958 йилда эса у бошлиқ бригадада гектаридан 247 центнердан узум ва 6 ўринга 12 центнердан сабзавот уруғликлари етиштирилди.

Деҳқон йигитнинг иззат-ҳурмати ошди. КПСС сафига аъзо бўлиб кирди. 4 марта Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасига бориб, кўргазманинг олтин, кумуш медалларини олди. Яна бир қувончлиси шуки, Рушел Исҳоқовнинг меҳнати ва ютуқлари эвазига уйига енгил автомашина — «Волга» кириб келди. В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги муносабати билан таъсис этилган юбилей медалини ҳам кўксига тақди бу шоввоз. Бундан икки йил олдин эса у Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланди. Ана, Рушел «қишлоқи»га ҳурмату иззат!

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўнғич йилида бригада деҳқонлари ғайрат камарини янада маҳкамроқ боғлаб ишлашди. Мана бу қилинган йиллик меҳнат якуни. Гектаридан 220 центнердан картошка, 14 центнердан сабзавот уруғликлари. 450 центнердан сабзавот, 140 центнердан узум етиштириб, ҳосил ғалвирини хирмондан кўтаришди. Энди колхозчилар даромади пландаги 160 ўрнига 240 минг сўмни ташкил этяпти. Деҳқонлар кунлик иш ҳақларига 6 сўмдан, ойига эса 150—160 сўмдан, бундан ташқари айрим колхозчилар, звено бошлиқлари, колхоз кассасидан нақд 4,5—5 минг сўмдан санаб олишяпти. Рушел оғанинг ҳам даромади шулар қатори.

...Ҳар байрам, дам олиш кунлари Рушел оға уйида тантана. Бугун ҳам оила аъзоларининг ҳаммалари жамулжам. Ҳаммаларининг ютуқлари, келажак орзу-ҳаваслари бор. Катта ўғли Алик Самарқанд медицина билим юртини битирган, фармацевт бўлиб ишлайди. Қизи Рая ҳам шу билим юртида таҳсил кўрган. Фарида хотин-қизлар педагогика билим юртини битириб, тарбиячи бўлиб ишлаяпти. Дора Сочакдаги 26-мактабнинг охирги синфида. Басанда, Эдик, Барнолар 58-мактабда ўқишяпти. Уй бекаси Тамарахон вақтида уй-рўзғор, мавсумда эса дала ишлари билан банд.

Рушел оға билан Тамара опа қишлоқнинг мўътабар кишилари. Тўй-маъракасиз, уларнинг маслаҳатисиз ўтмайди. Янгича урф-одатларни тарғиб қилишда уларнинг ҳиссалари катта. Қишлоқ Совети депутати сифатида Рушел оға қишлоқда қурилиш ва ободончилик ишларига ҳам фидокор, Тамара эса колхозда хотин-қизлар Советининг аъзоси. Ишбилармонликда, муомалада, ташаббускорликда эридан қолишмайди.

Шу суҳбатимиз чоғида Рушел оға бизни уйига таклиф этди. Мана, бир оздан сўнг Тамара опа шундоққина буғи чиқиб ҳиди димоққа уриб турган бир сават нон олиб кирди. Ярим соатлик суҳбат орасида у тандирга нон ёпишга ҳам улгурибди. Ҳар қандай хотиннинг қўлидан келавермайди бу. Хулласи, оила ҳам кам-кўстсиз, оила бошлиқлари ҳам. Мана бунга чинакам иноқ, меҳнатсевар, ибрат олса арзийдиган қишлоқ оиласи деса бўлади.

Бизнинг Рушел оға ана шундай одам.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Самарқанд районидаги Киров номли колхоз.



САРНИГМИ институтининг гидрометеорология станцияси Олой тоғининг Абрамов музлигида жойлашган. Институт ходимлари қарийб 10 йилдан бери мазкур станцияда гляциологик, гидрографик ҳамда об-ҳаво хизмати ишларини олиб боришмоқда. Суратларда: 1. Олой тоғидаги Абрамов музлигининг умумий кўриниши. 2. Об-ҳаво хизмати техниги А. Зеликсон гелиограф аппаратини кўздан кечирмоқда. 3. Об-ҳаво дарахчиларига вертолёт хизмати қўл келади. В. Таран фотолари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/I да **Оққуш кўли**, 15/I да **Травиата**, 16/I да **Золушка** (12.00), **Севги ҳақида қисса** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/I да **Уйланиш**, 15/I да **Кўрмайин босдим тиконни**, 16/I да **Қиёмат қарз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/I да **Хонума хоним**, 15/I да **Ужарлар**, 16/I да **Гулбаҳор қани?** (12.00, 19.30).

Кино

Ульзана — «ЧАПКА», «МОСКВА» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Отасизлик — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16.00), «ДРУЖБА» (11, 14.30, 17, 19, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Уфқ ортида — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 17.00).

●

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

19 ЯНВАРДА

500-СПЕКТАКЛЬ

Ўйғун

«ПАРВОНА»

(3 пардали драма)

Саҳнага қўювчи — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шариф ҚАЮМОВ.**

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. ВИЗЕЛЬ.**

Ўткурий ролида — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Обид ЮНУСОВ** беш юзинчи марта ўйнайди.

Билетлар сотилмоқда.

●

РЕМОНТ ФОНДИНИНГ БУЮРТМАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»НИНГ ЯНГИЙЎЛ РЕМОНТ ЗАВОДИ 1977 ЙИЛНИНГ 10 ФЕВРАЛИГАЧА

АВТОМОБИЛЬ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ КАПИТАЛ РЕМОНТИ БЎЙИЧА БЎЮРТМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ

Буюртмачилар кўрсатилган вақтда етиб келмасалар буюртмалар бекор қилиб юборилади.

1977 йилнинг 1 январидан бошлаб 18505-73 ва 18506-73 тартиб номерли ГОСТлар жорий этилиши муносабати билан автомобиль двигателлари фақат коробка узатмасисиз дастлабки комплектланган ҳолда қабул қилинади.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: 702832, Калинин райони, Ажалбой қишлоқ совети.

●

«ТРАНСЭНЕРГОМОНТАЖ»

Бутуниттифоқ ихтисослашган трестининг

757-ЭЛЕКТРОМОНТАЖ ПОЕЗДИГА

шоферлар, автокранчилар, бурғилаш-кран машиналарининг машинистлари, экскаваторчилар, электр таъминоти объектлари қурилиши ва темир йўл участкаларининг юқори кучланиш линияларида ишлаш учун электромонтёр-линейщчиклар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай, яна 15 процентдан 25 процентгача ҳажмда маошга қўшимча район коэффициенти ва иш кўчма характердалиги учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Поезднинг барча ходимлари темир йўл транспорт ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан, меҳнат отпускаларида йилда бир марта бепул плацкарт темир йўл билетидан фойдаланадилар.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти ва Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

АХБОРОТ

ХОРАЗМ

ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Областнинг кўпгина хўжаликларида ғўзапоядан чорва озуқаси сифатида фойдаланиш тажрибаси ўзини оқлади. ДКУ агрегатида майдаланган ғўзапоя емга аралаш ҳолда моллларга берилса, тўйимли озуқа ўрнини босади. Яқинда Урганч районидаги Ленин номли колхозга областнинг барча хўжаликларидан чорвадорлар, мутахассислар таклиф этилиб, сут-товар фермасида кўрик-семинар ўтказилди. Улар ғўзапоядан мол озуқаси тайёрлаш жараёни билан танишдилар. Область қишлоқ хўжалик бошкармаси бошлиғининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Б. Обдалиёзов бу озуқанинг хусусияти ҳақида гапириб берди.

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН

Туямўйин гидроузели бунёдкорларининг шаҳри — Дружба тобора кўркамлашиб бормоқда. Якинда фойдаланишга топширилган 44 квартирали уйжой биноси ва ҳаммом улкан иншоот бунёдкорлари учун ажойиб совға бўлди.

ЯНГИ КОРХОНА

Хива районида яна бир янги корхона — енгил автомобиллари ремонт қиладиган станция ишга туширилди. Корхонанинг ҳозирги қуввати кунига 20 машинага техника хизмати кўрсатишга мўлжалланган. Май ойидан бошлаб унинг қуввати икки баравар ошади.

ЛЕКТОРЛАР АНЖУМАНИ

Область сиёсий маориф уйида «Физика — математика фанларининг ҳозирги тараққиёти ва уни меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш» мавзуида лекторларнинг республика семинари бўлди. Физика-математика фанлари докторлари М. Я. Антоновский, В. И. Левин ва бошқа олимларнинг докладлари ўнинчи беш йилликда фан тараққиётининг янги истиқболларига бағишланди.

ВЕТЕРАНЛАР ДАВРАСИ

Бу галги давра Хоразм области составида Гурлан районининг ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги олдидан ўтказилган ана шу тантанали кечага революция ва меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ўнинчи беш йилликнинг пешқадамлари таклиф этилди. Район меҳнаткашларининг ярим аср мобайнида босиб ўтган шонли йўли район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ғ. Машарипов докладида батафсил ёритилди. Ветеранларга райком ва район ижроия комитети табрикномаси, эсдалик совғалар топширилди. Район маданият уйи қошидаги «Наврўз» ансамбли кеча қатнашчилари учун катта концерт берди.

ИЛК ТУҲФАЛАР

Огаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театри янги йилнинг дастлабки спектакли билан томошабинларни хушнуд этди. Грузин драматурги А. Цигарелининг «Хонума» комедияси саҳналаштирилиб, театрнинг янги биносида намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон ССР халқ артисти Санъат Девонов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Урозгул Ғойибова, Салох Камолов, Ровия Отажонова ва бошқалар етакчи ролларни маҳорат билан ижро этишяпти.

Шунингдек, театр коллективи қорақалпоқ драматурги П. Тлегановнинг «Тошлар тилга кирганда» асарини ҳам саҳналаштирди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган бу асарда қорақалпоқ халқининг озодлик ва янги ҳаёт учун кураши акс эттирилган.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КУЁВ

(НОВЕЛЛА)

Ҳаким ота тўсатдан оғриб қолди...

— Аҳволим чатоқ, болаларингга хабар қилиб қўйсанг бўларди, — деди у кампирига.

Иккинчи куни ҳамма ўғиллару келинлар, невара-чевараллар етиб келиб, чол-кампирнинг ҳонадонини тўлдиришди. Лекин отанинг кўзи ҳамон эшикда. Ёлғиз қизи қўшни области ...ластга турмушга чиқиб кетган. Куёви катта доктор, юртида обрўси зўр. Лекин Равшанойни олиб кетганича олти ойдан бўён дараклари йўқ.

Қош қорайганда болалар қий-чув қилиб қолишди:

— Опам келяптилар!

— Поччам келдилар!

Оёқлари чалишиб, ҳаммадан илгари кампир югуриб қолди. Чолнинг кўзлари ҳам гўё равшан тортди, аъзойи-бадани кувват югурди:

— Равшаной! Қизим! Эркатойим!

Равшаной отилиб уйга кирди, кўзлари олазарак отасини ахтарди, нигоҳлар учрашгач, чопиб бориб қаравот олдига тиз чўкди, озғин қўлларини чолнинг бўйнига ташлади. Бўталоқдек искаланиб, Ҳаким отанинг оппоқ соқоллари орасига юзларини яширди. Кўксига бош қўйиб йиғлаб юборди. Ҳаким ота бир зум бўшашди, юраги шувулаб, миясида бирин-кетин қатор саволлар чарх урди. «Беморлигимдан чўчияптими? Ёки турмушидан зорланганими бу? Йўғе, эри яхши болага ўхшаганди-ку? Соғиниб қолгандир мени эркатойим?!»

Ота-болани бир-биридан Воҳид ажратди:

— Сизга қаттиқ ҳаяжонланиш мумкинмас, Равшаной!! Кўркманг, дадам жуда тетик эканлар, — дея у хотинини ўрнидан турғазди-да, отага эгилиб салом берди.

— Ваалайкум ассалом, ўғлим! Яхши келдиларингми? Тинчмисизлар?

— Раҳмат ота, ўзимиз ҳам шу томонга келмоқчи бўлиб тургандик, телеграмма бориб қолди, — деб гап бошлаганди, Равшаной кўзлари тўла ёш билан эрига ажабланиб қараб, бу қараш бир зумда ҳайратга, кейин эса ошкора ғазабга айланди. Нафис лабларини тишлаб яна отасининг ёнига ўтирди ,унинг қадрдон супра қулоқларини, кўксини тўлдириб турган оппоқ сочлари ва барок қошларини меҳр билан бирма-бир силаб, ҳиқлаб чиқди.

Ҳаким ота ҳамма гапга тушуниб етди. Куёвининг ёлғон гапираётганини ҳам, агар телеграмма бормаса яқин орада Равшанойни ота-онаси ҳузурига юбормаслигини ҳам тушуниб етди. Меҳр билан қизининг бошини силади, нозик қўлларини олиб серажин юзларига сурди. Бир зум кўз ўнгига кенжатой Равшанойнинг болалиги, уни елкасига кўтариб тоғларга олиб чиккан дамлари, у билан ёш боладек капалак қувиб ўтказган баҳтиёр йиллари гавдаланди. Ҳа, Равшаной олти ўғилдан кейин туғилган ёлғиз қиз. Ота унинг бирорта истагига қаршилик қилган эмас. Ҳатто юрак-бағри эзилиб турган бўлса ҳам, кўшни областни ихтиёр этган қизига ок фотиҳа берган, баҳт тилаган.

— Сенинг баҳтинг, менинг баҳтим, қувончинг ҳам меникиқ, — деган.

Ҳар ойда келиб-кетишни ваъда қилган доктор куёвидан ич-ичларидан ранжиб юрган чол-кампир бир-бирларини юпатишга уринишарди:

— Куёвимиз катта доктор. Илмий ишлари, операциялари бутун вактини олади.

— Равшаной хат ёзиб турибди-ку, байрамда келишаркан.

Келинлар, кўни-кўшни хизматда. Ҳаким ота ҳам ўрнидан туриб ўтирди, суҳбатларга аралашди. Ўғилларидан бирини бозорга жўнатди, бирига бўрдоқини сўйдиришни тайинлади.

Дастурхон атрофи янада гавжумлашди. Ҳаммаларнинг эътибори меҳмон куёвда. Унинг ҳар бир айтган сўзи гўё қонун. У Ҳаким отани росса текшириб кўриб, тепасида олазарак турган Равшанойга бефарқ қараб тўнғиллади:

— Вахимага ўрин йўқ. Ота ҳали бардамлар, бундай юрак билан яна узоқ яшаш мумкин. Қон босимлари жойида. Иситманинг сабабларини қон анализларидан кейин аниклаймиз.

Шундан сўнг куёв газета варақлашга тушиб кетди. Ниҳоят, газеталарини четга ташлаб қайнаталарининг бири узатган бир пиёла чойни оларкан, оғир хўрсинди:

— Газеталар ҳам кейинги пайтда одамлар учун эрмак бўлиб қолди, шекилли?! Қаерга қараманг, лаганбардорлик.

— Ҳим, нима бор экан унда, — деб катта қайнага газетага қўл узатди.

— Нима бўларди, одамлар кўшниси ўлса ҳам газета орқали таъзия билдирадиган бўлиб қолибди. Ана қаранг, кимнингдир қайнанаси оламдан ўтибди, атиги қайнаваси-я?! Отаси ёки онаси, опаси ёки акаси эмас, кимнингдир қайнанаси ўлибди, ўшанга ҳам идораси-ю танишлари таъзия билдиришибди.

Чой қайтаётган Равшаной изтироб тўла кўзларини дастлаб эрига, кейин отасига жавдиратиб тикди. Ота-боланинг бир-бирига дуч келган нигоҳларидан бир саволни ўқиш мумкин эди: «Қайнана-қайната ҳам ота-онаку?!»

Воҳид эса ўзи айтган гапдан изтиробга тушган Равшанойга ҳам, дарҳол ёстиғига бошини қўйиб, чапга қараб ётиб олган бемор қайнатасига ҳам парво қилмас, уларни кўрмас, ҳамон одамларнинг бир-бирларига қиладиган эътиборларини қораларди.

Хосият ЛУТФУЛЛАЕВА.

СПОРТ

ВОЛЕЙБОЛ. Самарқандда ўсмир-қизлар ўртасида СССР биринчилигининг зонал мусобақалари ниҳоясига етди. Усмирлар ўртасида «Волгоград» командаси пешқадамлик қилди. Москванинг «Малахит» коллективи иккинчи фахрли ўринни олди. Ўзбекистонликлар тўртинчи ўрин билан кифояланишди. Қизларимиз эса тўрт имконияти ...ан уч очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллашди ҳамда СССР биринчилигининг ҳал қилувчи ўйинларига учинчи марта йўлланма олишди.

ФУТБОЛ. Сухумида В. Маргания хотираси учун Бутуниттифоқ анъанавий турнири давом этмоқда. Узбекистонлик ёшлар навбатдаги учрашувда Қирғизистон командасидан (1:0) устун келишган эди. Грузиянинг «Гантиади» коллективи билан ўйинда эса имкониятни (1:2) бой беришди. Вакилларимиз ҳозирча 3 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди. Мусобақада СССР терма командаси ёшлари 8 очко билан олдинда боришмоқда.

СУД ЗАЛИДАН

«ТИШ ТЕХНИГИ»

Ҳар бир совет кишисининг ҳалол ижтимоий фойдали меҳнат қилиши, ўз имкониятларини ва қобилиятларини кўрсатиши учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. В. А. Кучурин ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланиши мумкин эди. Лекин у 35 ёшга чиқ...ганига қарамай, касбини кўп марта ўзгартирди. Бирор жойда муқим ишламади. Аммо яхши қийиннишни, яхши яшашни севарди. Бунинг учун эса пул керак. Хеч қаерда ишламай санғиб юрган одам пулни каердан топсин?

В. А. Кучурин шу тарика товламачилик йўлига ўтди. Қарши шаҳрига келиб, хеч каерда ишламай санғиб, масталаст бўлиб юраверди. Ички ишлар бўлимининг ходимлари у билан бир неча бор суҳбатлашишди, меҳнат қилиш учун корхонага юборишди. Аммо Кучурин бу имкониятлардан фойдаланмади. Аксинча, одамларга ўзини тиш кўрадиган техник деб таништириб, бу гапга учганларни алдай бошлади 4-микрорайонда яшовчи Н. А. Коровинга иккита платина тиш қўйиб беришни ваъда қилиб 50 сўм пул ундирди Сўнг шу микрорайонда яшовчи Б. Я. Вереньевга назбат келди. Ундан 300 сўм ундирди.

Янги «тиш техники» тўғрисидаги миш-мишлар тарқалди. Одамлар уни излаб кела бошлади. Шу тарика И. Холиков, Н. М. Пронин, Н. П. Пронин ва бошка кўп кишилар фирибгарнинг гузоғига илинишди.

Тўғри, В. А. Кучурин уларга қоплама тиш тайёрлаб берди. Лекин бу тиш фирибгар ваъда қилганидек олтиндан эмас, балки коптика» магазинидан сотиб олган шприцнинг металл қутичасидан тайёрлаган эди. Бундай қутича эса магазинда 1 сўм 03 тийин туради. Кучурин ана шу материалдан юзаки қараганда олтинга ўхшаш коплама тиш ясаган. Махсус тергов экспертизасида бу фактлар аниқланди.

Рад қилиб бўлмайдиган далиллар келтирилгач, Кучурин ўзини айбдор деб топди. Суд уни уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

И. ШАЙДУЛИН.

Редактор М КОРИЕВ

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30— Қувноқ стартлар. 11.15 — **Узоқ шимолдаги саргузаштлар** (бадиий фильм, 3-серия). 12.00 — Концерт. 12.25 — **Миллионлар ленинча университети.** 15.00 — Кинопрограмма. 15.55 — Рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари, В. Арсеньев. 16.25 — **«Сомбреро»** (бадиий фильм). 17.30 — Москва ва москваликлар. 18.00 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — Хўжжатли фильм. 19.45 — Жаҳон халқлари ижоди. 20.45 — Бизнинг биография. 1927 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Балет ҳақида кўрсатув. 24.00 — Концерт. 00.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Хужжатли фильм. 12.25 — Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — **Оловнинг бўйсундирилиши** (бадиий фильм, 2-серия). 18.30—Мультфильм. 18.45 — Зулфия. «Қўшиқ ...ладим». 19.15 — Халқ контроли экрани. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — **Оламга саёҳат.** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Хужжатли фильм. 21.30 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Ҳур қизлар** (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.20 — Инглиз тили. 19.50 — **Кўза** (телебадиий фильм). 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Она шаҳрим — Тошкентим. 21.50—Реклама. 22.05—Чизма геометрия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Д. Зокиров ва С. Ҳайитбоев қўшиқлари. 9.30 — **Беполён Ватаним менинг.** Концерт. 11.15 Ўй-жой фондига эътибор берайлик. Репортаж. 11.30 — А. Қодиров ва М. Мирзаев чалади. 12.10 — **«Узбекистан индустриальная».** 13.30 — Н. Богословскийнинг кинофильмларга ёзган қўшиқлари. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 19.00 — **Шамоллаш ва грипп.** Медицина фанлари кандидати И Халилов суҳбати. 19.20 — **«Юность Узбекистана».** 20.25 — Шу куннинг қўшиқлари. 21.15 — Ўзбек операларидан парчалар. 22.00 — **Чорвадорларнинг талабларига биноан концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — **«Бой ила хизматчи»** спектаклининг монтажи.

Об-ҳаво

Бугун Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент областининг баъзи ерларига қор ёғади. Бошқа жойларда айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Шимолий-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Сурхондарё областида эса, шамол жанубий-ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда бўлади. Қорақалпоғистон АССРда 10-15 даража, Хоразм ва Бухоро областининг шимолида 4-9 даража совук бўлиши кутилади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Қор ёғади. Ғарбдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб, ҳарорат 0 даража атрофида бўлади

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

Ботир АББАСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. — 13021. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри Индекс 64583. Г. — 11.